



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 5 июнь, чоршанба

№44 (11.432)

Эркин нархда сотилади

Кўргазма

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Чунки, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий таъминоти шундай тузилмаларсиз тасаввур этиш қийин.



ЭРКИН РАҚОБАТ ГАРОВИ

Уларни ривожлантириш давлат дастурига асосан «Ўзэксмарказ»да хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес корхона ва субъектлари маҳсулотларининг, шунингдек, кичик ишлаб чиқаришлар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз, хорижий фирма ва компаниялари маҳсулотларининг «Ўрта ва кичик бизнес-2002» деб номланган кўргазма-тақдироти очилиш маросими бўлиб ўтди.

6-июнгача давом этадиган мазкур кўргазмада республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган хусусий фирмалар шунингдек, қўшма ва хорижий корхоналар ҳамда Андижон, Наманган, Тошкент вилоятларидаги деҳқон-фермер хўжаликлари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқдалар.

У республикамизда бундай тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришда эришилган ютуқларнинг яна бири намойишига айланди. Намойиш қилнаётган турли-туман оддий ва мураккаб маҳсулотлар маҳаллий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги тажриба ҳамда маҳоратлари йил сайин ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Кўргазма ҳам ўз навбатида кичик ва ўрта бизнесни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлар ўртасида эркин рақобатни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Акбар АЛЛАМУРОВ.

ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Давлатимиз рамзлари» китобини нашрдан чиқарди.

Юртбошимиз: "Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий гуруҳимизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир", деб таъкидлаган

эди. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва

келажаги ўз ифодасини топган. Аслида рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий гуруҳ, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган.

Мустақилликни қўлга киритиб ўз Байроғимиз, Гербимиз ва Мадҳиямизга эга бўлишимиз чин маънода озод ва хўр бўлганимиз белгисидир. Бугун Ўзбекис-

Янги нашр

тон фуқаросиман деган ҳар бир инсон бебаҳо ижтимоий-сиёсий кадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт. Шу боис уларга бўлган муносабатимизни, авваламбор, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак. "Давлатимиз рамзлари" китобида ана шу миллий тимсолларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб "Маънавият" нашриётида чоп этилган.

(ЎЗА).

Мерос

ШОҲРУХИЯ ҲУДУДИДА ОЧИҚ МУЗЕЙ

Оққўрғон туманидаги Шоҳрухия ҳудудида очик осмон остидаги музей яратиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ровийлардан ҳикоя қилишларича, бундан 550 йил муқаддам Ҳужа Аҳрор Валий Шоҳрухияда Теурий шаҳзодалар — Тошкент, Фарғона ва Самарқанд ҳукмдорларини яраштириб, 200 минг кишилик аскарларни ҳалокатдан асраб қолади. Абадий сулҳ номи билан тарихга кирган бу битим қабул қилингандан сўнг Шоҳрухияда катта боғ ташкил этилган экан...

Кўни кеча ёдгорлик ҳудудида вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов бошчилигида Шоҳрухияни қайта тиклаш, шу ерда очик осмон остидаги музей яратиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги бошқарма бошлиқлари, Оққўрғон тумани хўжаликлари, банк тизими раҳбарлари, тадбиркорлар, архитектура ва қурилиш бошқармалари бошлиқлари, «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими вакиллари иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари Шоҳрухия ҳудудида музей яратиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, унинг ҳисоб рақамини очик ҳақида қарор қабул қилдилар.

Бу ишларни амалга оширишга вилоят ҳокимлиги 10 миллион сўм маблағ ажратди. Шунингдек, вилоятдаги бошқа ташкилотлар ҳам савобли ишга ўз ҳиссаларини қўшади. Бу борадаги барча моддий, молиявий ва маърифий тадбирлар бевосита «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда олиб борилади.

Шунингдек, мазкур жамғарма, унинг Оққўрғон тумани бўлими ҳамкорлигида Амир Темур номли боғни қайта ташкил қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Шу кўни Шоҳрухияда дастурхон тадбирида таърихнинг ёзилиб, ош тарқатилди, ўтганлар руҳига дуою фотиҳа қилинди.

Ўз мухбиримиз.



БОЛАЛАР — ВАТАН АРДОҒИДА

Ҳеч бир киши бу дунёдаги ҳаётини фарзандларсиз, жажжи болакайлари тарбиялаб, вояга етказиш мушқулию роҳатсиз тасаввур қилмайди. Бу болапарварлик, болажонлик мустақил Ўзбекистон ҳаёт тарзининг азалий анъанасидир.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куниде бу фазилат айниқса ёрқин намоен бўлади. Маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари, «Соғлом авлод учун», «Болалик» ва бошқа жамоат ташкилотлари шу кўни кичкинтойлар учун қизиқарли саёҳатлар, концерт томошалари ва бошқа қувноқ тадбирлар уюштириб, болакайлари совға-салом билан сийлайдилар.

Ана шундай завқли тадбирлардан бири Олмалик металлургия саройида бўлиб ўтди. Қувват халқаро хайрия жамғармаси вакили доктор Жалол Бин Садов, Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси, фан ва маориф маркази раҳбари профессор Элдурс Халлоф Шокир Эшнет халқаро байрам билан кичкинтойларни кутлашди.

Вилоят ички ишлар

бошқармаси кичкинтойлар учун Тошкент шаҳрига сафар уюштирди. Болалар Теурийлар даври тарихи музейида бўлиб, халқимизнинг бетакрор ўтмиши билан танишдилар. Кичкинтойларнинг истироҳат боғлари ва майдонлардаги сайллари пойтахт цирк усталарининг катта дастур бўйича чиқишларини томоша қилиш билан яқунланди. Зангиота туманидаги Ўртаовул маданият уйида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва ота-онасиз қолган болалар учун шоу-концерт ташкил этилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман Марказий кутубхонаси билан биргаликда уюштирган бу тадбирда «Марварид» ва «Шабода» шоу гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. мароқли бу томоша Раъно Рўзиева, Маҳмуддин Мах-



камов сингари хусусий тадбиркорлар, бир қатор фирма ва ширкат хўжаликлари ҳомийлигида ташкил этилди. Қўйичириқ туманидаги 9-мактабга таълим муассасасида болакайлари учун спорт уйинлари уюштирилди. Ҳамма ерда болаларга эсдалик

совгалари ва ширинликлар улашилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини Олмалик ва Ўртаовул шаҳарларида ўтган тадбирлардан лавҳалар.

Еркибой БОТИРОВ олган суратлар.

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XII сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ қарор қиламан.

Иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XII сессияси 2002 йил 7 июнь кўни соат 9.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят Кенгаши раиси У. МИРЗАҚУЛОВ.

Тошкент, 2002 йил 1 июнь.

Бугун — Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини


КЕЛАЖАККА АСРАБ-АВАЙЛАБ ТОПШИРАЙЛИК

Бугун бутун кўрра заминимиздаги барча мамлакатларда Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори билан таъсис этилган бу кўн жаҳонда табиатни муҳофаза қилиш ишларининг кенгайишига туртки бўлди ва ҳар йили нишонланади. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Турғун ЭРГАШЕВ экологларимиз бу санани қандай совғалар билан кутиб олаётганлари, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш юзасидан амалга ошираётган ишлари ва бу соҳадаги муаммолар ҳақида қисқача гапириб берди.

чиқаришни ривожлантиришда унинг табиатга салбий таъсир қилиши кўпинча ҳисобга олинмади. Шунинг учун ҳам вилоятимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим масалалар қаторига киради.

Қўмитаси, унинг шаҳарлар ва туманлардаги бўлиmlари ташкил этилган кўнлардан бошлаб атмосфера ҳавоси, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳолати устидан давлат назоратини олиб бормоқдалар. Бу ишларнинг кўлами йил сайин кенгаймоқда ва такомиллашмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин табиат муҳофазаси ишлариға эътибор ниҳоятда кўчади.



Қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Экологларимиз ўз фаолиятларида кенг жамоатчиликка суянадиган бўлиб қолдилар.

Ана шундай ҳамкорлик ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Бунинг исботи учун айрим мисолларга мурожаат қилайлик.

Вилоятдаги атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар 1989 йилда 800 минг тоннага яқин зарарли моддаларни ҳавога чиқарган эдилар. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижа-сида ана шундай моддаларнинг чиқарилиши 500 минг тоннадан зиёд қамайди.

Вилоятдаги атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар 1989 йилда 800 минг тоннага яқин зарарли моддаларни ҳавога чиқарган эдилар. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижа-сида ана шундай моддаларнинг чиқарилиши 500 минг тоннадан зиёд қамайди.

(Давоми 2-бетда).


Аччиқ, аммо очик гап

НОМИ БОР-У, НАФИ ЙЎҚ

Ўки вилоятдаги айрим туман ва қатор хўжаликларда мол туёғи қамайиб, сигирлар маҳсулдорлиги пасайиб кетаётгани ҳақида

Одатда, у ўки бу фермадаги жами молнинг учдан бири сигир бўлади. Қолган учдан икки қисми бурдоқига қўйилган новвос, гунажин ва бузоқлардан иборат. Лекин, юқоридеги икки рақам бунинг тасқариси. Яъни йўқотилган жами молларнинг қарийб тўртдан уч қисми сигирлар.

«Ферман борми, бор» қабилдида иш тутмай, чорвачилик билан астойдил шуғулланадиган раҳбар ва мутахассислар ҳеч қачон бунга йўл қўймайдилар. Негаки, сигирларни йўқотиш сутни қамайтириш деган гап. Энг хавфлиси эса, сигирлар билан бирга насл ҳам йўқолади. Бу охири-оқибат мол подасининг бутунлай қуришига олиб келади. Мол ва, айниқса, сигирлар энг кўп йўқотиле-



ётган хўжаликларда бу ҳақда ҳеч қим жиддийроқ ўйлаб кўраётганимикин? Асосан бешта туман мутасаддилари тармоққа ўғай кўз билан қараш оқибатида мол ва сигирларни кескин қамайтириб юбориб, вилоятни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўймоқдалар. Масалан, Юқоричирик туманида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан сигирлар 456 бошга қамайди. Чиноз туманида жами 263 бош, Тошкент туманида 246 бош мол йўқотилган бўлса, шундан тегишлича 51 ва 65 фоизи сигирлар. Зангиота ва Қўйичирик туманларида ҳам мол туёғи қамайиб борапти.

(Давоми 3-бетда).

НОМЛАРИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

Ангренда шахар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, уларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ва ўзларининг яхши ишлари билан ангрениклар хотирасида қолган етти нафар кишининг номи абадийлаштирилди.

Шаҳар ҳокимининг фармойиши билан sanoat korxonalari, qurilish va transport tashkilotlari, turli muassasalarga uzoq vaqt rahbarlik qilgan Tuychi Isломов, Аҳмаджон Мусаҷонов, Орифхон Эшонхўжаев, Маҳмуд Исҳоқов, Иосиф Флейшмакер, Эдуард Колустьян ва Александр Калиниченко номи кўчаларга қўйилди.



Биз ҳикоя қилаётган бу манзара Уртаҷирчиқ туманидаги 4-урта умумтаълим мактабининг шу кунги кийёфаси.

НИШОНБОЙ УСМОНОВ МАКТАБИ

Бу мактаб мана етти йилдири, таъмирланмади. Етти йилдири, бу ўқитувчилар жамоасида бундай таъшиш йўқ. Лекин мактаб остонасига қадам қўйган киши бу даргоҳ қўйидагина таъмирланган бўлса керак, деган фикрга келади.

Ушундан ташқари, бу мактаб мана етти йилдири, таъмирланмади. Етти йилдири, бу ўқитувчилар жамоасида бундай таъшиш йўқ. Лекин мактаб остонасига қадам қўйган киши бу даргоҳ қўйидагина таъмирланган бўлса керак, деган фикрга келади.

Миллий дастур

таъриф берган. У меҳнат қилган мактабларнинг барчасида, шу жумладан, 4-урта умумтаълим мактабида ҳам ўқувчилар юксак натижаларга эришиб келмоқдалар.

Туман ва вилоят беллашуварларида бўлиб, мактаб ўқувчиларининг Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловига иштирок этиб, вилоятимиз шаънини ҳимоя қилган шу мактабнинг «Ибрат» гуруҳи аъзолари фахрили урнини эгалладилар.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ОЛМАЛИҚНИНГ ФАҲРИЙ ФУҚАРОСИ

Ўртабўй, тўлаликка мойил бу кишини Олмалиқда ҳамма танийди. Унинг бу йирик sanoat korxonalarini qurilish va ucha bunёдкорлик ишларининг қаҳрамонлари ҳақидаги ҳикоялари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Кирқ учинчи йили ТошМини тугатиб, бир гуруҳ ёш врачлар фронга жўнади. Тожихон Аъзамов бироз хирлиқ овозда салмоқлини сўзлайди. Фронт госпиталларида ярадор жангчиларни даволаб, шифокорлик тажрибани оширдим.

Биз ҳам шу ерга келиб ишлаш бошладик, - ҳикоясини давом эттиради Аъзамов. - Мен врачлик участкасига раҳбарлик қила бошладим.

Малакали шифокорлар етишмасди. Шифокорларнинг ўзи эски, пасткам биноларда жойлашган эди. Олтинтопан кони, мис-молибден комбинати ва бошқа қурилишларда иш бошлаётган мутахассисларнинг аёллари орасида гоҳи-гоҳи ҳамширам, врачми келиб қоларди.

Бугун - Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун

Кейинги йилларда унинг ҳажми сал кам 300 минг тоннани ташкил этапти. Табиати муҳофаза қилиш ишоотларини қуриш ҳамон давом этмоқда. Олмалик кон-металлургия комбинатида ана шундай мақсадлар учун хар йили 1 миллирдан сўмга яқин маблаг сарфланмоқда.

КЕЛАЖАККА АСРАБ-АВАЙЛАБ ТОПШИРАЙЛИК

Улардаги тупроқ таҳлил қилинди. ҳолати аниқланди. Кишлоқ хўжалик ишлари деб ҳисобланган 275 гектар майдон чикиндилардан тозаланди.

ТАНЛОВДА ФЛОЛБ КОРХОНА

Бекобод цемент акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бирлашмасининг худуди яшил либосга чўкранган десак муболага қилмаган бўламиз.

Бугун - Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун

400 минг гектардан ортиқроқ майдондаги кишлоқ хўжалик майдонлари ишлов берилмоқда. Яъни, шунча майдонда улар зарарли хашаротлар улар ёрдамида қириб ташланмоқда.

КЕЛАЖАККА АСРАБ-АВАЙЛАБ ТОПШИРАЙЛИК

Улардаги тупроқ таҳлил қилинди. ҳолати аниқланди. Кишлоқ хўжалик ишлари деб ҳисобланган 275 гектар майдон чикиндилардан тозаланди.

ТАНЛОВДА ФЛОЛБ КОРХОНА

Бекобод цемент акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бирлашмасининг худуди яшил либосга чўкранган десак муболага қилмаган бўламиз.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

Тошкент Давлат юридик институтида "Референдум якунилари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонунни ўрганишга бағишланган навбатдаги илмий-аналитик семинар бўлиб ўтди.

Табиати муҳофаза қилиш соҳасида муайян ютуқларга эришган бўлса-да, бу хотиржамлик учун асос бўлмайди. Чунки, вилоятимизда камчиликлар, ечимини қўлга келтириш учун Уларни халқ қилиш экологларимиздан бир гайратга ўн гайрат қўшиб ишлашни, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтиришни, атроф-муҳитга зарар келтирётган ҳар бир ҳодисани сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва таъсирий чора кўришни, барча билимимиз ва имкониятларимизни ишга солишни тақозо этади.

Референдум якунилари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонунни ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш, кенг жамоатчилик ўртасида унинг мазмунини ва амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотлар моҳиятини тушунириш, икки палатали парламент тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фуқаролар иштирокисини ва бу соҳадаги ҳуқуқий тарғиботни кенгайтириш масалалари семинар қатнашчиларининг эътиборида бўлди.

Узбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўлишга экспертлар гуруҳининг етакчи консультанти Б. Тошев, юридик фанлари докторлари З. Исломов, Х. Бобоев, Ф. Абдумажидов ва бошқалар референдум якуниларининг қонунчилигига ақс эттирилиши, Конституциявий қонуннинг моҳияти, янги қонунлар яратишдаги аҳамияти, давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ўрни ва бу борадаги долзарб вазифаларга тўхтади.

Шунингдек, анжуманида жойларда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ҳуқуқий оммабоп адабиётлар яратиш, аҳоли ўртасида икки палатали парламент, ҳуқуқий ислохотлар моҳиятини тушунириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг қуламада йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Савдога қўйидагилар қўйлади: Янгийўл тумани «Гулбахор» кўрғонида жойлашган хар бирининг сатхи 500 кв.м. бўлган 10та ер майдони.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азиятлари 2002 йил 10, 17, 24, 31 июль, 7, 14, 21, 28 август ва 4, 11, 18, 25 сентябрь кунлари соат 10.00да ўтказиладиغان навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади

6. Таъсисчилар Низоминда педагогик фаолият билан шуғулланиш бандлигини мажбууд бўлиши.

7. Болаларга хизмат кўрсатиш тарифи бўйича таклиф бериш.

Бизнинг маънавий Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, вилоят ҳокимияти биносининг унғ қаноти. Тел: 133-26-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишлаб байрам тадбири ўтказилди.

ЗИЁФАТ ТҮРИДА — БОЛАЛАР

Туман марказида жойлашган Кўшчиноҳ истироҳат боғига туманининг барча кичкин-тойлари таклиф этилди. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, ўзбекнинг палови тортилди. Истироҳат боғи туманининг 43 та мактаб ўқувчилари, 20 га яқин боғча тарбияланувчилари ва маҳаллаларнинг жажжи вакиллари билан гавжум бўлди. Байрам тадбирида маданият уйи қошидаги «Болалар» гуруҳи қизиқарли намоёйиш этилди. Шодивна иштирокчилари ижросидаги рақслар, бурро тилларда айтилган шеър-қўшиқлар йиғилганларга ўз болалигини эслатган бўлса, ажабмас.

«Туркистон-пресс».

ТОМОШАЛИ МУЗҚАЙМОҚ

Халқаро Болаларни химоя қилиш кунини муносабати билан Янгийўл шаҳар марказидаги «Музқаймоқ» кафеси болажонлар ихтиёрига бериб қўйилди. «Соғлом авлод — соғлом келажак» дея номланган бу тадбир «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши шаҳар бўлиmlлари томонидан ташкил этилди.

Унинг ҳомиylлари — Янгийўл базори хиссадорлик жамияти, «Устозлар» фирмаси, «Янги Вега» ҳамда «Росси» қўшма корхоналари ота-оналар меҳридон маҳрум бўлган болажон ва кизалоқлар учун қувноқ ва ажойиб байрам ташкил этишга ҳаракат қилишди.

Шу кунги шаҳардаги 12 та маҳалладан ташриф буюрган 40 нафар ногирон ва етим болажонлар салқин ичимликлар ҳамда музқаймоқлар билан сийланди. Уларга ҳомиylларнинг совғалари улашилди. 8-болалар боғчасининг кўйриқ-қок театри «Кичик Мук» спектакли ҳамда концерт дастурини намоёйиш этиб, тадбир иштирокчиларини хушнуд этди.

Ўз мухбиримиз.

ҲУНАРМАНДЛИК САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида республика «Хунарманд» уюшмасининг аънанавий олтинчи халқ амалий санъати фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда неча минг йиллик бой маънавий меросимиз, қадриятларимизни қайта тиклаш, халқ амалий санъати ва хунармандликни ривожлантириш, қадимдан эъзозланган хунармандлик санъати намоёйиши бўлиб ўтди. Мамлакатимизда неча минг йиллик бой маънавий меросимиз, қадриятларимизни қайта тиклаш, халқ амалий санъати ва хунармандликни ривожлантириш, қадимдан эъзозланган хунармандлик санъати намоёйиши бўлиб ўтди.

Фестивалда уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган элликдан эъзозли халқ амалий санъатининг ёрқин ўймақорлиги, қулоқчиллик, гилламуқорлиги, миллий каштачилик, наққошлик, миниатюра, заргарлик сингари йигирмадан ортик тури бўйича яратган маҳсулотларга кенг ўрин берилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Турмуш чорраҳаларида

уларнинг қадами узилди. Ҳатто Каримжоннинг ер-қўкка ишонмайдиган онаси ҳам янги келини олдиға ўйлаб келадиган бўлиб қолди. Қўй бир те-рининг орасида неча бор семир-иб, неча бор озади, дей-хом хаёлға берилибман. Аввалги хотинимнинг олди-ға, болаларимнинг ҳузурига бош эгиб борсаммикин, улар мени кечирширмикин? Агар кечиршимаса унда мена де-ган одам бўлман. Ана шун-дай ўй-хаёллар унинг ич-эти-ни тирнар эди.

Шундай кунларнинг бири-да Гулҳайларнинг телефони жингиллаб қолди. Трубкадан аёл кишининг буйроқ охан-гидаги овози эшитилди.

Каримжонларининг олиб кетинглр, биз унинг маросимларини ўтказолмай-миз.

Бу хунқ хабарни эшитиб, Гулҳай хушини йўқотди.

Жаноза ўқилиб майитнинг мазори устиға тупроқ торти-лаётганда одатдагидек жамо-атта мурожаат қилинганда «Каримжон қандай одам эди» деган овоз эшитилди. Бирок жамоадан садо чиқши кий-инроқ кетди. Шунда ўли Раҳ-матилло ҳўнграб йиғлаб юборди.

Нега индамайсиэлар, — деди у. — Ахир отамлар яхши одам эдилар, аммо, ёмонлар уни йўлдан урди-лар.

Жамоа ҳўшёр тортиди. Ҳар тарафдан «Ҳа, у яхши одам эди» деган овозлар эшитил-ди.

Мен ҳам ўша кунги дафн маросимида қатнашган эдим. Узимни аллақандай нохўш холда ҳис қила бош-ладим. Қулогим остида Раҳ-матиллонинг «Ёмонлар йўлдан уришди» даган сўзлари эшитиларди. Албат-та, ўглини тушунш мумкин эди. Ҳар не бўлганда ҳам у отасини «ёмон» дейишларини истамарди. Лекин маса-ларнинг иккинчи томони бор. Ахир ҳар биримизнинг эс-хўшимиз ўзимиз билан-ку. Агар мустақил фикрга эга бўлсак, эзгуликка интилиб-яшасак, у холда ҳар қандай шароитда ҳам ёмонлар биз-ни ўйриқларига, ўз до-ларига торта олмайдилар. Шу ҳақда қучуқроқ ўйлаб кўрсак буларди...

Носир РИХСИЕВ.

Хамиша яхшиларга эрга-шиб, уларнинг ютуқлари, иш-ларидан қувониб, фахрланиб юрадиган Одижон синфдош дўсти Каримжоннинг омор мудирлигидан бош омор мудирлигига кўтарилганини эшитиб, уни табриклашга ошқиди. Кўча муолижисига етганида, Каримжоннинг ўгли Раҳматиллоға кўзи тушди. У негадир хомуш ва боши эгик эди. Аввалгидек югуриб кели-би хўшчакчақлик билан кўришми.

— Йўл бўлсин, Раҳматил-ло, — деди Одижон унинг кўлидаги халтасига ишора қилиб.

— Бозорға, — деди бола хўшламайгина.

Одижон хайрон бўлди. Ахир Каримжон уй-рўзгорни хамиша бут қилиб қўйғучи эди-ку, унга нима бўлди?

— Адаг қарда, — деб сўради, — хойнаҳой ишда-дир-да.

— Билмадим, — деди Раҳ-матилло, — эшитмадингизми, улар кетиб қолдилар-ку.

— Қаёққа?

— Янги хотинлариникига...

— Нималар дейсан?! — Тўри гапни айтганман, — Раҳматилло кўзларига ёш олди.

— Кўй, хафа бўлма, — деди Одижон, — ўзим гаплаша-ман у билан.

Одижон шундай деди-ю, ўйланиб қолди.

Бунга анча йиллар бўлди. Ўша пайларда Одижон газ-ла маҳалла дўконида Каримжонга ёрдамчи бўлиб ишларди. Кейинги пайларда бу ерга яқин кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи хўшрўйгина аёл тез-тез келадиган бўлиб қолди. У Каримжоннинг ол-дида узоқ қолар, бир маҳал кўлигига ўроғлик нар-сани кўстириб, кизариб-бўзар-иб, очлари тўзган холда чикиб кетарди. Бора-бора бу одатий холға айланди.

— Шу ишинг ёқмапти-да, менға, — деди бир кун у. — Мудир дўсти нимаға шаь-ма қилаётганини дарҳол ту-шунди.

— Нима, — деди у, — мени эсини еб қўйган деб ўйлаяп-санми? Нима иш қилаётган-лигини ўзим билман. Шун-чалик кўнгилхўшлик-да.

Ана шу «кўнгилхўшлик», афсуски, бугунги кунда катта бир хонадонға нохўшлик кел-тирапти.

Одижон Каримжондан ас-

каларға, йигинларға ҳам айтмай қўйишчи.

Биринчи оиласининг ҳаёти қандай кечяпти, дейсизми. Хо-тини Гулҳай дастлабки кезлар-да кўнониб, роса жигибийрон бўлди. Лекин, бу кўнониш кўпга бормарди. Дўгонлари унга дал-да беришди. Ахир ўзининг кўлға ол, сен фарзандларинг учун кераксан-ку, деб айтиш-ди. У шундай қилди. Аввалги ишига янгидан жойлашди. Ҳақиқатан ҳам билан овулди. Фарзандлари тарбиясига эъти-бор берди. Ўли Оқилжон оқил бўлиб етишди. Катта ўғил ши-фокорлик касбини эгаллади.

ЎҒИЛНИ тушунса БЎЛАРДИ...

Раҳматилло номиға яраша обрў топиб, оилаға раҳматлар кел-тирилмоқда. У иш жойидан йўланма билан икки йил хо-рижда ишлаб, енгил машина-лик бўлиб қолди. Қизи Нозима эса, маҳаллада ёш-ялан-ларга пазандалиқдан сабоқ бермоқда. Бўйиға етган маҳал-лардан ортади. Хавас қилса аразиғулик хонадонға келин бўлиб тушди. Афсуски ота тўйға келмади.

Каримжон янги оиласи бил-ан бахтли бўлиб кетдики, қандай ҳаёт кечиряпти, тўри уч-тўрт йил иккинчи аёли бил-ан яхши, тинч-тотув турмуш кечиргандек бўлди. Ўзға мил-латта мансуб бу аёл ниҳоятда устоман эди. У аввалги Кар-имжоннинг кунда бўлмаса ҳам кўнра келиб турадиган қарин-дош-уруғлари билан алоқ-ча-поқ бўлдики, уларнинг сир-ас-рорлари, нозик ва заиф томон-ларини обдон билиб олғач, унча рўйхўш бермайдиган одат чиқарди. Табиийки, бора-бора

Ўли Раҳматилло яради. У ота-сининг мушкул холда қолган-лигини эшитиб, онасининг розилигини олиб, енгил ма-шинасини сотди, отасининг қарзини тўлаб, араг қамқондан кўтариб қолди. Лекин бир-бир Каримжон оиласида тинч-лик йўқ эди. Катта еб, катта ичиб, энг сўнгги нухсадаги ки-йимларни кийишға ўрганиб қолган хотини камбағалчилик-ка кўнқолмасди. Ҳар кунги ур-уш-жанжал, тўполон эди бу хонадонда.

— Кет, — деди у бир кун Каримжонға дўқ қилиб, — кўз очиб кўрган аёлиға вафо қил-маган менға вафо қиладимми?

Бундай пайтда ўғай фарзанд-ларнинг ҳам жазаваси тугарди. Оналари ёнини олишарди.

— Сиз ёмон одамсиз, — де-йишарди улар, — агар онамиз-ни йўлдан урмаганингда ота-миз билан аллақачон ярашиб кетган бўлардик.

Бундай таъна, маломатлар-ни эшитиб Каримжон ич-ичи-

«БЎКАЛИК»НИНГ ШАШТИ БАЛАНДА

Футбол бўйича вилоят чемпионатида иштирок этаётган жамоалар учинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Дарвозаларга ўнға, яъни аввалги турдаги нисбатан икки баравар кам тўп киритилди.

Бу йилги мавсумда биринчи марта тўп сўраётган бўлишларига қарамай, «Бўкалик» футболчилари нафақат ўз майдонларида, балки меҳмонда ҳам чиройли, ҳужумкор ўйин кўрсатиб, имкониятлардан юз фоиз фойдаланишға муваф-фақ бўлмоқдалар. Улар иккинчи турда ўзга майдон, яъни Охангаронда ўйнаган бўлсалар-да, мезбонлар дарвозасига битта хавобсиз тўп йўллаб, уч оқони кўпга киритган эдилар. Учинчи турда эса «Зафар» жамоаси-ни қабул қилиб, йрик ҳисобда (3:0) ғалаба қозон-дилар.

«Цементчи» — «Танқичи», «Ўзбекистон» — «Ақмал», ҳамда «Қибрай» — «Метал-лур» учрашувлари бир хил, яъни 1:0 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. «Бўстон» — «Охангарон» ва «Шолиқор» — «Тошкент» учрашувлари-да 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Пскент туманининг «Ўзбекистон» жамоаси ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Илгари «Истиклол» номи билан қатнашган жа-моа ўзгаларға очко ула-шишда нариға ўтломай, жадалнинг охириги уринали-рида қолиб кетарди. Бу йил эса, пскентликларнинг ўйинида хайратомуз ўзга-ришлар юз берди. Жамоа-нинг нафақат номи, балки ўйин услуби ҳам бутунлай «Охангарон»ни қабул қилиб, 5:0 ҳисобида ғала-ба қозонганди. Кейинги турда ҳам «Зафар»нинг меҳмони бўлишға қара-май, ҳудди шундай йрик ҳисобда енгди. Хуллас, тўққиз имкониятдан тўққиз очко тўлаб, 12 та жамоа ўртасида энг юқори нати-жаға эга бўлди.

Навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари 9 июнь куни ўтказилади.

Самад Йўлдош.

КУЧЛИЛАР ГУРУҲЛАРДА САРАЛАНДИ

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида 31 майда старт олган 17-жаҳон чемпионати ўйинлари давом этмоқда. Жаҳон чемпионлиги асосий даъвогарлардан бири Бразилия футболчилари Туркия жамоаси билан баҳс юритдилар.

Бразилияликлар ўйин-нинг дастлабки дақиқалари-дан ташаббусни ўз қўли-риға олган бўлсаларда, ра-қиб дарвозасини ишғол қила олмадилар. Қарши ҳужумға ўтган Туркия фут-болчилари 45-дақиқада ҳисобни очишға муваффақ бўлдилар.

Танаффусдан сўнг бразил-ияликлар ҳисобни тенглаш-тириш учун ҳужумкор ўйин намоёйиш этилди. Учраш-вининг 60-дақиқасида Роналдо канотдан ошириб берилган тўпни дарвозаға киритиб, ҳисобни тенглаштиришға муваффақ бўлди. Ҳитойлик ҳакам қилинган қўпол хато учун Туркия футболчисини майдондан четлатди. 11 метрлик жарима тўпи белги-лади. Уни Ривалдо оқиб ба-жариб, ўз жамоаси ғалаба-сини таъминлади.

Бу гуруҳда кеча иккинчи учрашув бўлиб ўтди. Унда Хитой — Коста-Рика футбол-чилари ўзаро баҳс юритди-лар. Ҳисобни 2:0 ҳисобида Коста-Рика футболчилари ғалабаси билан якунланди.

«А» гуруҳида иштирок этаётган жамоалар икки уч-рашув ўтказдилар. Сенегал-лик футболчиларнинг Фран-ция устидан шов-шувли ғалабасидан сўнг Дания футболчилари уругвайлик футболчиларни 2:1 ҳисоб-да мағлуб этилди.

«Б» гуруҳида ҳам икки учрашув бўлиб ўтди. Испания — Словения учрашувида исп-ан футболчилари 3:1 ҳисоб-ида ғалаба қозонган бўлса-лар, Парагвай — Жанубий Африка Республикаси учра-шувида 2:2 ҳисобида тугади.

Талъат Юсулов.

СКАНВОРД

Бармоқ Бачоқи	Россия Футбол Кубки	Салбий (акси)	Ажриқ	Қадим- ги орчиқ Бачоқи	Турар- Жой
Атроф- муҳит	Ўтинч	Дўкон	Жонқор	Лойиқ Беҳудда	Швей- цария пой- тахти
Шум Бода, Шумтақ	Улаб Бирик- тири- ган	Тасаниқ	Бетоб	Намоз- нинг Бир қисми	Қатор
Қирқиз қўш	Қозғо- чезон: дарё	Имом ... Бухорий	Машина нинг Бензин идиши	Кўрғаз, қўзатиқ	Кўшк
Авто- мобил рўш- дирағи	Кема- нинг Бир тури	Кўйда туши- ган жун- мат	Тузувчи Ақромжон ХўЖАМОВ.		

Азиз муштарийлар!

Газетамизға

Обуна

ДАВОМ

ЭТМОҚДА!

КЎКНОРИФУРУШНИНГ ЮЗИ ШУВУТ

Вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан гиёҳвандликка қарши кенг камровли тадбир ўтказилди. Унда маҳаллий ҳокимият ҳамда жамоатчилик вакиллари, маҳалла посбонлари, профилактика инспекторлари фаол иштирок этишарди.

Дастлабки йигирма кун мобайнида наркотик ўсимлик етиштиришға доир 40дан ортик тафсилот аниқланиб, наркотик моддалар билан боғлиқ 58та ҳуқуқбузарлик қилати бар-тараф этилди. 1 килограмм наркотик модда тортиб олинди.

Тадбир давомида кўкно-ри, наша экиш, гиёҳванд мод-даларни тайёрлаш ёки четдан келтириб сотишнинг жамият, давлат ва шахсға зарари ҳақда тушунтириш, ташвиқот-тарибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дей-ди Тошкент вилоят ички иш-лар бошқармаси наркотрафик ва наркотик моддалар райри-қонуний айланшиға қарши ку-раш бўлими бошлигининг ўрин-босари, милиция капитани Му-род Аширматов. — Яқинда Чир-чиқ шаҳар қасб-хўнрар коллежи ўқувчилари билан шундай суббат ўтказилди.

Гиёҳванд моддаларни етиш-тириш, сотиш ва истеъмол қилиш инсонни маънавийдан ахлоқий жиҳатдан қанчалик ту-длаштириб юбориши ҳуқуқидан-қул қул болаларға катта таъ-сир қўрсатди. Бугун гиёҳванд-дарваларға 12 йилги ўсирилган ҳам ташвиқот қўлаётганлиги ниҳоятда таъбиивил.

Томорқаларда, чекка экин-майдонларида кўкнори экиб ўсти-риш ҳоллари учрамоқда. Янгийўл

Қорадори — 2002

Ачинарлиси шундаки, қишлоқ ва маҳалла раҳбарлар йиғинла-ри, ҳўжалик раҳбарлари анҳор ва арик бўйлариди наша ўсиб турганлигиға хамиша ҳам эъти-бор бераверширмайди. Бундай лоқайдлик пировақрида наша-вандлик қўнайишға йўл оча-тир. Ахир, ўртачирик туманида-ди Тўнбўғиз, А. Иқромов номли ҳўжалиқлар ҳудудиди 160 квад-рат метр, Пскент туманидаги Пскент, Ҳ. Қодиров номли, На-воий номли ҳўжалиқларда жами 901 квадрат метр майдонда наша «турқираб» ўсиб турганлигини бошқача қандай изохлаш мум-кин? Гиёҳвандлик моддаларини шаҳар ва қишлоқларимизға олиб келиб сотувичи шахсларнинг ҳам хўнарлари ортиб борапти. «Қо-радори-2002» тадбири мобайни-да кўшни Тожкистон фукароси яқин кило геронини 3,5 минг АКШ долларига пуллаётганида қўлга олинди. Тўйтаётда яшовчи Акбар исмли йигит эса, 200 грамм геронини Охангарон ту-манига етказиб сотмоқчи бўлган. Қўлга тушишини сезиб, санаб олаётган 1,5 минг доллари ҳам ташлаб қочди. Лекин, «Бўзонинг югургани сомонхонағача», деб

Бекор айтишмаган. Биз гиёҳвандлик ижтимоий офат деб қўп гапирармиз. Ле-кин бу билан гиёҳвандлар қандай қўлаётганин йўқ. Бу офатни узиб-кесил бар-тараф этиш учун бугун жамоатчилик оёққа туршиш қорак.

Вилоятимизда давом этаёт-ган «Қорадори-2002» тадбири наркотик моддаларини етишти-риш, олиб келиш ва истеъмол қилишға қарши курашишға бар-ча қўчларни овлантиришнинг мумкин омилидир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҲАҚИКАТИ» мухбири.

Бўстонлик туманидаги 22-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Жа-сур Иқромовни Абдуразақов номи-ға УЗА 078380 рақам билан берил-ган, йўқолган аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўжа туманидаги 15-мактаб то-монидан 1988 йилда Эганиязарова Мамлакат Тажиккулова номиға берилган Д. № 410965 рақамли аттес-тат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Шлефонлар: **Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48** **Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатға олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахрирати компьютер марказида терилди ва саҳифалонди.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилланинг тўрилиги учун реклама ва эълон беру-чилар масъулдир.